

БОЛАЛАРНИНГ ФИКРЛАШ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ

Закирова Дилфуза Сайидолимовна

ФарДУ педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

Жаҳон миқёсида мактабгача таълим ёшиданоқ болаларда фикрлаш фаоллигини ошириш, тарбияланувчиларда ижтимоий-эмоционал кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида “билимнинг мустаҳкам пойдевориغا эга бўлиш, ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш” долзарб вазифа сифатида белгиланган. Жанубий Корея, Япония, Германия, Канада, Голландия, Буюк Британия, Норвегия каби давлатларда интегратив машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш орқали тарбияланувчиларнинг билишга қизиқишини ошириш, мантикий ва ижодий фикрлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга компетенциявий ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларнинг когнитив саводхонлигини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёнлар самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Болаларнинг фикрлаш фаоллигини ривожлантириш соҳасидаги хориж мактабгача таълим муассасалари болаларнинг баркамол ривожланиши, уларда ижтимоий ҳаёт малакаларини шакллантириш ҳисобланиб, бу ишлар таълим ва тарбия дастурлари асосида амалга оширилади. Мактабгача таълимнинг ҳар бир миллий тизими ўзига хос бўлиб, хориж мактабгача таълим муассасалари илғор тажрибаларига эгадир. Шу жиҳатдан болаларнинг фикрлаш фаоллигини ривожлантириш соҳасидаги хориж мактабгача таълим муассасалари тажрибалари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Шунини эътироф этиш керакки, ривожланган мамлакатларда (Франция, Буюк Британия, АҚШ) болаларнинг мактабгача таълим муассасалари томонидан қамраб олинishi 80-90% ни ташкил этади.

Корея. Агар статистикага қаралса, 1980 йилда Корея Республикасида болалар боғчаси 900 тадан кўп эмаслигини, 2005 йилга келиб эса 8 мингдан ортиб кетганлигини билиш мумкин. Ҳукумат 1999 йилдан умуммиллий миқёсда кам таъминланган оилаларга болаларни беш ёшдан тарбиялаш учун тўланадиган субсидиялар олиш лойиҳасини амалга ошира бошлади. 2004 йилдан уч ва тўрт ёшли болаларни тарбиялаш учун субсидиялаш, шунингдек, икки ва ундан ортиқ фарзандли оилаларга ёрдам бериш дастури жорий этилди.

Эътироф этиш ўринлики, Жанубий Кореяда бола туғилиши билан бир ёш ҳисобланади.

Мактабгача таълимнинг 3 та кўриниши мавжуд:

Ясли гуруҳлар (яъни 4 ёшгача);

Ўрта гуруҳлар (оринидзип, 4-6 ёшлар);

Катта гуруҳлар (ючивон, 6-7 ёшлар).

20-Fevral, 2026-yil

Жанубий Кореяда мактабгача таълим мажбурий эмас. Лекин охирги йилларда эътибор кучайиб бормоқда. Фарзандни ҳар томонлама етук қилиб ўстириш муҳим. Бола жисмонан бақувват бўлиши, креатив фикрлаши, бардошли бўлиши зарур.

Японияда мактабгача таълим муассасаларининг 59,9 фоизи хусусий, 40,8 фоизи давлатникидир. Мактабгача таълимга Японияда катта эътибор берилади, чунки психологларнинг таъкидлашича, 7 ёшгача инсон билимларни 70 фоизини, қолган 30 фоизини бутун қолган умри давомида ўзлаштирар экан.

“Болаларни тарбиялашда япон услуби ноёб ҳисобланади ва далил сифатида қуйидаги мисол келтирилади: “бола 5 ёшга қадар шох, 5 дан 15 га қадар қул ва 15 дан кейин тенг”. Бошқа халқлар бу мисолнинг турли талқинларига эга. Албатта, бу фалсафий тушунча тўлиқ маънода қабул қилинмаслиги керак. Лекин, аслида, боланинг ҳаёти бир неча даврларга бўлинади, ва биринчи давр бу болага ҳайрат ва эҳтиром билан қараладиган даврдир.

Болани муваффақиятли келажагини шакллантириш учун ота-она таълим муассасаларини танлашда изчил сиёсат олиб боради, у болани нуфузли болалар боғчасига, сўнгра энг яхши бошланғич мактабга, ўрта мактабга беришни улғайгунча давом эттиради. Боланинг келажақда муносиб касб ва муносиб иш ҳақига эга бўлиши учун, ота-она боланинг туғилишидан бошлаб таълим-тарбиясига катта пул сарфлайди.

Германияда тафаккур устахонаси ҳисобланган мактабгача таълим муассасалари давлат тизимига кирмайди. Болалар боғчаси хайрия жамғармалари, маҳаллий ҳокимият ҳамда черков васийлигида фаолият юритади. Шу билан бирга корхона ва ташкилотлар ҳам ўз боғчасига эга бўлиши мумкин. Мактабгача таълим тизими 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Ҳали ақлини таниб улгурмаган болаларда ўз фикрини ифодалаш, тенгдошлари ва катталар билан мулоқот қилиш қобилиятини шакллантириш, уларни бошланғич таълимга тайёрлашда боғчаларнинг ўрни катта. Шу боис ҳам олмонлар боғчаларни “тафаккур устахонаси” деб аташади. Германиядаги замонавий ўқитувчиларнинг асосий вазифалари болаларнинг уйғун ҳиссий, ижтимоий, интеллектуал ва жисмоний ривожланишини, уларнинг шахсий ривожланишини рағбатлантиришдан иборат. Ўқитувчилар асосан шахсий иш услубларини қўллайдилар ёки кичик гуруҳлар билан ишлашади.

Хулоса қилиб айтганда, турли давлатларнинг мактабгача ёшдаги болалар таълим ва тарбиясининг миллий тизимлари қанчалик ўзига хос ва оригинал бўлмасин, уларнинг барчаси ўз асосида универсал тамойилларга эга бўлган, мактабгача таълим ва тарбия ягона ва яхлит тизимини тараққиётнинг умумий ҳодисаси сифатида намоён этадилар.

20-Fevral, 2026-yil

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Ньюкомб Н. Развитие личности ребёнка / Н. Ньюкомб. - СПб.: Питер, 2002. - 640 с.
- 2.Парамонова Л.А., Протасова Е.Ю. Дошкольное и начальное образование за рубежом: история и современность. М., 2001.
3. Волобуева Л.М. Организация подготовки детей к началу школьного обучения: история и современность // Управление ДОУ. – Москва, 2008. № 1, с. 98
4. Давлетшин М.Г. Ёш даврлар ва педагогик психология асослари. -Тошкент: ТДПУ, 2006. – 43 б.
5. Детский сад в Японии: Опыт развития детей в группе. М., 2012
- 6.Кононова И.М. К истории педагогики раннего возраста (обзор исследований по педагогике раннего возраста) // Управление ДОУ. – Москва, 2003. № 3, с. 118
- 7.Tuychieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustaev, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. 湖南大学学报 (自然科学版), 48(8).